

Икки муслмон бир-бирига зинҳор қўл кўтармаслиги зарур



13:57 / 22.01.2024 1518

صَاقُوْ وَيَبَاُ نُبُ دُعَسَ لَاقِ
لُوسَرَ اَيُّ هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَ
يَلَعَلَّ لَخَدُ نِا تِي اَرَا هَلَلَا
هَدِي طَسَبَو ي تِي ب

نَبَاكَ نَكْ : لَأَق ؟ يَنْ لُتْ قَيْل هَؤَر : لَأَق لَأ مَدَا يِ ذِمْرَت لَأ وَا دُ وَا دُ وَا دُ

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Айтинг-чи, агар у (фитначи) менинг тепамга, уйимга бостириб кириб, мени ўлдириш учун қўл кўтарса-чи?» деди. У зот шундай дедилар: «**Унда сен Одамнинг «Сен мени ўлдириш учун қўл кўтарсанг ҳам, мен сени ўлдириш учун қўл кўтармайман»^[1] деган ўғли каби бўлгин**», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳадисдаги иқтибос Қуръони Каримдан, Одам алайҳиссаломнинг икки ўғли ҳақидаги қиссадан олинган. Ҳадис янада тушунарли бўлиши учун бу оятнинг шарҳини тўлиқроқ келтириб ўтамиз. Одам алайҳиссаломнинг икки ўғли қурбонлик қилишибди. Бирининг қурбонлиги қабул бўлиб, иккинчисиники қабул бўлмабди. Шунда қурбонлиги қабул қилинмаган ўғил қурбонлиги қабул қилинган ўғилга ҳасад қилиб, «Мен сени ўлдираман», дебди. Инсон қалбига ҳасад кирганда шундай бўлади. Қурбонлиги қабул бўлмагани ҳам унинг яхши одам эмаслигига далолат эди. Иккинчи ўғил яхши инсон бўлганлиги учун унинг қурбонлиги қабул бўлган эди. Яхши одам доимо, ҳатто қийин ва шиддатли пайтларда ҳам, ҳаёти хавф остида турганда ҳам яхшилигича қолади. У ўзига тажовуз қилиб турган акасига қараб, хотиржамлик билан:

«...Аллоҳ тақводорлардангина қабул қилади», деди.

Инсоннинг яхши амалларининг, жумладан, қурбонлигининг Аллоҳ таоло ҳузурида қабул бўлиши амал эгасининг тақводор эканлигини англатади. Бу билан у ўзига суиқасд қилиб турган душманни ҳам тақводор бўлишга даъват қилди. Кейин эса биродарининг ёмонлигини кесиш учун янада хотиржамлик билан:

«Сен мени ўлдириш учун қўл кўтарсанг ҳам, мен сени ўлдириш учун қўл кўтармайман», деди.

Ҳақиқий тақводор, Аллоҳдан қўрққан инсоннинг гапи шундоқ бўлади. У бу билан ёмонликнинг олдини олишга, ҳасадчининг ҳасад оловини совитишга ҳаракат қилмоқда.

«Мен оламларнинг Робби Аллоҳдан қўрқаман».

Ука «Менинг тутган бу йўлим сендан ёки ўлимдан қўрққанымдан эмас, балки одам ўлдириш гуноҳ бўлганлиги учун, Аллоҳнинг олдида гуноҳкор бўлиб қолишдан қўрққаным учун шундай қиялман», деди.

Бундан кейин эса биродарини бу ишдан қайтариш мақсадида оқибат нима бўлишини ҳам эслатиб қўйди, яъни агар сен Аллоҳдан қўрқмай мени ўлдирадиган бўлсанг, мени ўлдирганинг гуноҳини ҳам оласан, олдинги қурбонлигинг қабул бўлмаганлиги гуноҳини ҳам оласан. Гуноҳ устига гуноҳ қилган бўласан. Оқибатда сенга бериладиган жазо ҳам ортиб, дўзахга тушасан, деб огоҳлантирди.

Ушбу ҳадиси шарифдан ўзини билган кишилар мусулмонлар орасида фитна чиққанда ҳам худди шунга ўхшаш йўлни тутишга ўтиши лозимлигини ўрганиб оламиз.

هُلَلَا يَضَرَّكَ بِي بَأْنَع
هُلَلَا لُؤْسَرُتْ عَمَس : لَأَقُ هُنَع
مُّلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا يُّلَص
نَأْمَلُسُ مَلَا هَجَاوَتِ إِذَا : لُؤْقِي
نَمُ هَالَكُفْ أَمْ هَيْفِي سَب
أَذَف : لِي ق ، «رَأْنَلَلْهُ أ

لَوُتُّ قَمْلًا لَأَبْأَمَفُ لَتَأْقُلَا
لَتَقِّ دَارًا دَقُّهُنَا» : لَأَق
ةَثَالُّ لَأُهَوْر . «إِبْحَأص

Абу Бакра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Икки мусулмон бир-бирига қилич кўтарса, иккиси ҳам дўзахий бўлади»**, дедилар. «Қотил-ку тушунарли, мақтулнинг айби нима?» дейишган эди, **«Чунки у ҳам буни ўлдирмоқчи бўлган»**, дедилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Шунинг учун ҳар қанча фитна бўлса ҳам, икки мусулмон бир-бирига зинҳор қўл кўтармаслиги зарур.

لَمَحِنَ أَمْلُسُ مَلَا إِذَا : مَلُسُ مَلَو
حَالُّ سَلَا هِي خَأَى لَع أَمُهُ دَحَأ
إِذَا فَمَّنَّ هَجِرُ فُرُجَى لَع أَمُهُ ف
أَهَالِ خَدُّهُ بَحَأص أَمُهُ دَحَأ لَتَق
أَعِي مَج

Муслимнинг ривоятида:

«Икки мусулмон бир-бирига - ўз биродарига қурол кўтарса, иккиси ҳам жаҳаннам жари ёқасига бориб қолади. Бири иккинчисини

Ўлдирса, иккиси ҳам унга бирга тушади», дейилган.

Шарҳ: Бир-бирига қарши қурол кўтарган икки мусулмон ҳали уруш бошламай туриб, дўзахнинг ёқасига бориб қолар экан. Улар дўзахга тушиши учун жанг бошлаганининг ўзи кифоя қилади, бошқа нарсанинг кераги йўқ.

أَهْنِإِ يٰذِمُّرَّتِلْ أَوْ دُوَادِ يٰبِأَلَو
فِظَنْتَسَتْ ؕ نَتِفُ نُوَكَّتَس
رَّانِلْ يٰفِ أَهْلُتَقَبَرَعْلَا
عَقْوُ نَمٌ دَشَأْ أَهْيُفُ نَأَسْلَلَا
فِيَّسَلَا

Абу Довуд ва Термизийнинг ривоятида:

«Келажакда фитналар бўлади, араблар таг-туби билан қирилади. Ўшанда ўлдирилганлар ҳам дўзахда бўлади. Унда қиличдан кўра тилнинг зарбаси оғирроқ бўлади», дейилган.

Шарҳ: Аслида фитнани оғзига кучи етмаган шаллақилар бошлайди. Тилга зеб берганларнинг касофатидан фитна қўзғалиб, ҳаммани ўз домига тортиб кетади. Шунинг учун ҳам тилнинг заҳри қиличнинг зарбидан ҳам оғирроқ бўлади.

دِيَّعْسَلَا نِإِ «: دُوَادِ يٰبِأَلَو
نِإِ، نَتِفُ لْ بِنُجُ نَمَلْ

نَتِ فُلَا بِنُجْ نَمَلِ دِيْعُ سَلَا
بِنُجْ نَمَلِ دِيْعُ سَلَا نَا
يَلُتُ بَا نَمَلَو ، نَتِ فُلَا
أَهْ أَوْفَ رَبِّ صَفِ

Абу Довуднинг ривоятида:

«Фитналардан узоқ бўлган одам бахтлидир. Фитналардан узоқ бўлган одам бахтлидир. Фитналардан узоқ бўлган одам бахтлидир. Фитнага учраб, сабр қилган эса нақадар яхши», дейилган.

Шарҳ: Мусулмонлар орасида оммавий фитна бошланганда четда қолган киши бахтлидир. Фитнага учраб, сабр қилганларга эса ажру савоблар берилади. Демак, фитнага аралашган одам ҳасратда қолар экан.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ نَابُوثَ نَع
هُيَلَعُ هَلَلَا يَصِيْبُ نَلَا نَع
يَلُ يَوَزَ هَلَلَا نَا «: لَأَقَمَّ لَسَو
أَهَقْرَاشَمُ تُيَأَرْفَ ضُرَّأَلَا
عُغْلُبُيَسُ يَتَّمُ نَاوَأَهَبِرَاعَمَو
أَهْنَمُ يَلُ يَوَزَ أَمَ أَهُكُلُمُ

رَمْحُ أَلِ انِّي زَنْكُلُ أُتِي طُعُ أَوْ
يِّبَرُ تُلَّ أَسُّ يِّنَا وَضَيِّبُ أَلِ أَوْ
ةَنَّ سَبِّ أَهْلُ هِيَّ أَلِ أَيُّ تُمَّ أَلِ
أُودَعُ مَهْيَلَعِ طَلَّ سِيَّ أَلِ أَوْ هَمَّ أَع
مِهِ سَفُنَا يَّوَسُّ نَم
نَّيَّ أَوْ مَهْتَضِيَّ بَحِيَّ بَتَّ سَيَّ فِ
أِذَا يِّنَا دُمَّ حُمَّ أَيُّ لَأَقِ يِّبَرُ
دُرِّيَّ أَلِ هَنَّ إِفَّ عَاضَقُ تُتِيَّ ضَقُ
أَلِ أَلِ تُمَّ أَلِ كُتُّ يَّ طُعُ أَوْ يِّنَا
أَلِ أَوْ هَمَّ أَعِ بِيَّ هَنَّ سَبِّ مَهْلُ هُ
يَّوَسُّ نَمَّ أُودَعُ مَهْيَلَعِ طَلَّ سِيَّ
بَحِيَّ بَتَّ سَيَّ فِ مِهِ سَفُنَا
عَمَّ تَجَّ وَوَلَّوْ مَهْتَضِيَّ ب

نَمَّوْأ هِرَاطِقَابْ نَمَّ مَهْيَلَع
نَوُكَي يَّتَح هِرَاطِقَا نَيَب
أَضْغَبْ كِلْهَي مَّهْضْغَب
«أَضْغَبْ مَّهْضْغَب يِبْسَيَو
وَبَأَوِي ذِمَّرْتَلْأَو مَلْسُمْ هَأَوَر
يَلَعُ فَاخْأَمَّنْأَو» :أَدَاوَر دُوَاد
أَذِأَو نَيَلْضُمْلَا هَمَّيْأَلَا يَتَّمْأ
مَلْ يَتَّمْأ يِفْ فَيَّسَلَا عَضُّو
هَمَّيْأَلَا مَوِي يَلَا هَنْعُ غَفْرِي
يَّتَحْ هَعَّسَلَا مَوْقَتْ أَلَو
يَتَّمْأ نَمَّ لِيَّأَبَقْ قَحْلَت
دُبْغَت يَّتَحْ وَ نَيَكِرْشُمْلَاب
نَاثُ وَالَا يَتَّمْأ نَمَّ لِيَّأَبَقْ

يَتُّمُّ أَيُّ فُؤُوكَ يَسُّهُ نِإِو
مُعْزِي مُهُلُّكَ نُوْتِ الْاَلِثَ نُوْبِ اَدِّكَ
مَتَّأَخِ اَنَّاوُ يَبَنُّهُ نَأُ
الَوُ يَدَّعِبُ يَبَنُّ اَلِ نِيَّيْبُنُّ لِا
يَلَعُ يَتُّمُّ اَنَّمُ اَفِيَّاطُ لَازَتْ
نَمُّ مُهُرُّضِي اَلِ نِيْرَهَاطُ قَحُّ لِا
رُمَّ أَيُّتُ أَيُّ تَحُّ مُهُفَلَّ اَخ
«هَلِّ لِا

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳ менга ерни жамлаб кўрсатди, мен унинг машриқларию мағрибларини кўрдим. Келажакда умматимнинг салтанати ўша менга жамлаб кўрсатилган жойгача етиб боради. Менга икки хазина - қизил ва оқ (олтин ва кумуш) хазиналар берилди. Мен Роббимдан умматимни ёппасига қаҳатчилик билан ҳалок қилмаслигини, ўзларидан бўлмаган, уларнинг наслини қуритадиган душманни уларнинг устидан ғолиб қилмаслигини сўрадим. Роббим шундай деди: «Эй Муҳаммад! Мен бир нарсага ҳукм қилсам, рад қилинмайди. Мен уларни ёппасига қаҳатчилик билан ҳалок қилмайман; ўзларидан бўлмаган, уларнинг наслини қуритадиган душманни уларнинг устига ғолиб қилмайман, дунёнинг барча тарафларидагилар уларнинг устига жамланиб келганда булар бир-бирини ўлдирса ҳам, бир-бирини асирга олса ҳам».**

Муслим Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Ва икковларининг лафзларида:

«Мен умматим устига уларни адаштирадиган раҳбарлар келишидан қўрқаман. Умматим ичида ўзаро қилич кўтарилса, Қиёматгача қўйилмайди. Умматимдан баъзи қабилалар мушрикларга қўшилиб кетмагунча, умматимдан баъзи қабилалар бутларга ибодат қилмагунча Қиёмат қойим бўлмайди. Яқинда умматим ичидан ўттизта каззоб чиқади, уларнинг ҳаммаси ўзини набий деб даъво қилади, ҳолбуки набийларнинг охиргиси менман, мендан кейин набий йўқ. Умматимдан бир тоифаси Аллоҳнинг амри (Қиёмат) келгунча ҳақ узра бардавом бўлади, қарши чиққанлар уларга зарар бера олмайди», дейилган.

هُلِّلَا يَضَرَّ يَسُومُ يَبَا نَع
هُلِّلَا يَلَّصَّ يَبِّنَلَا نَع هُنَع
يَفَلَّاقُ هُنَّا مَلَّسَوِ هِيَلَع
أَهِي فِ أَوْرَسَكْ «: هُنَّتِفَلَا
أَهِي فِ أَوْعَطَقَوِ مُكِّي سَق
فَأَوْجَأْ أَهِي فِ أَوْمَزَلَاوِ مُكَرَاتُ وَأ
«مَدَّ أَنْبَاكَ أُونُوكَ وَ مُكَّتِ وَيُ ب
: دُوَادُ وَبَاوِي ذِمَّرْتَلَا هَاوَر.

Абу Мусо розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий алайҳиссалом фитна ҳақида сўзлай туриб, «**Ўшанда камонларингизни синдиришлар, ипларини узинглар, уйларикининг ичида бўлинглар, Одамнинг ўғли каби бўлинглар**», дедилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Демак, мусулмонлар орасида фитна туфайли чиқадиган урушда ишлатилиши мумкин бўлган барча қуролларни йўқ қилиб, ўша урушда қатнашмасликка ҳаракат қилиш керак экан, Одам алайҳиссаломнинг икки ўғлидан бири «Сен мени ўлдириш учун қўл кўтарсанг ҳам, мен сени ўлдириш учун қўл кўтармайман» дегани каби иш тутиш зарур бўлар экан.

نَمِ هَلْ لَأَلْ وُسْرَ أَي: لِي قَو
؟ نَنْتِ لَأَي فِ سَأْنِ لَأُرِي خ
هِتِي شَأْمِ ي فُ لُجَرُ «: لَأَق
لُجَرَوُ هَبْرُ دُبُعَي وَ أَهُ قَحِ ي دَوِي
فِي خِي هِسْرَفِ سَأْرَبُ ذِي خِ
«: هَنْ وَ فَي خِي وَ وَ دَعْلَا

«Эй Аллоҳнинг Расули, фитна пайтида энг яхши одам ким?» дейишди. У зот: «**Чорваси билан машғул бўлиб, унинг ҳаққини адо қилиб, Роббига ибодат қилиб юрган киши; отининг бошини тутиб, у душманни, душман уни қўрқитиб юрган киши**», дедилар.

Шарҳ: Фитна туфайли мусулмонлар бир-бири билан жангга киришса, ўша фитнага қўшилмай, ўзининг мол-ҳолини боқиб, ибодатини қилиб юрган ёки чегарада юртини ҳимоя қилиб турган кишилар энг яхши одамлар бўлишар экан.

هَلَلَا يَلَّصْ هَلَلَا لُؤْسَرَلْ اَقَو
يَغَبْنِي آلٌ : مَلَّسَوِ هَيْلَع
، «هَسْفَن لُدِّي نَأْنَمُؤْمَلَل
؟ هَسْفَن لُدِّي فَيَكَّو : اَوْلَاق
ءَاَلْبَلَا نَمُضَّرَعَتِي» : لْاَق
«قِي طِي آلْ اَمَلْ» .

Расулуллоҳ алайҳиссалом: «**Мўмин кишига ўз-ўзини хорлаш ярашмайди**», дедилар. «Қандоқ қилиб ўзини хорлайди?» дейишган эди, «**Ўзини тоқатидан ташқари синовга дучор қилиш билан**», дедилар».

Шарҳ: Қўлидан келмаган ишга беҳуда уриниш мўмин киши учун ўз-ўзини хорлаш бўлар экан. Айниқса, фитнага аралашиш бу каби ишларнинг энг ёмони бўлади.

نَابُهُ أْنَمُ يَلَعَبَلَطْ اَمَلَو
نَأْيِرَا فِعْلِي فِي صَنْب
يَلِي لَخْنَأ : لْاَقُ هَعَمَجُ رَحِي
اِذَا يَلِ اِدَعَلْ مَعَنْبَاو

ذِخَّتْ أَنْ أَسْأَلُهَا فَلَتُخَا
دَقَفِ بِبَشَخٍ نَمِ أَفِيَسِ
تُجْرَخُ تَيْشُ نِإْفُ هُتْ دَخَّتْ
يَضَرُّ يَلَعُ هَكَرَتْ فَكَعَمِ وَبِ
ةَثَالُثُ لَاهِدَهُ يَوْرُ هُنَعُ هَلْ لَاهِ
يُذِمُّ رَتْ لَاهِ

Алий розияллоҳу анҳу Аҳбон ибн Соифий Ғифорийдан ўзи билан бирга жангга чиқишни сўради. У эса: «Халилим, амакингнинг ўғли соллаллоҳу алайҳи васаллам менга **«Одамлар ихтилоф қилса, қиличинг ёғочдан бўлсин»**, деб тайинлаганлар. Мен ўшани маҳкам тутдим. Истасанг, сен билан бирга ўшани (ёғоч қилични) кўтариб чиқаман», деди. Шунда Алий уни тек қўйди».

Ушбу уч ҳадисни Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Шунинг учун баъзи саҳобалар Аҳбон ибн Соифий Ғифорий розияллоҳу анҳуга ўхшаб, ҳазрати Алий билан Муовия розияллоҳу анҳунинг ўрталаридаги ихтилофда қатнашмаганлар.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан

[1] Моида сураси, 28-оят.